

# ТОШКЕНТ ОҚШОММИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 166 (11.477)

Баҳоси эркин нархда



«Мустақиллик биз учун — ўзлимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир»

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

**Бугун бутун Ўзбекистонда кўш байрам шуқуҳи кезмокда. Энг улуг, энг азиз байрам — давлатимиз Мустақиллигининг 18 йиллиги ва азим шаҳримиз Тошкентнинг 2200 йиллик тўйини нишонлаш арафасидамиз. Бу кутлуг саналар барчамиз учун бирдек азиз ва бирдек аҳамиятга эгадир.**



## ДУРЛАР ИЧРА ДУРДОНАМ, ВАТАН!

Истиқлол йилларида эришган мислсиз ютуқларимиз авваламбор Ватанимиз остонаси — ўзининг 22 асрлик тўйига юз тутаётган Тошкент сиймосида кўзгудек нурафшон бўлаётди. Давлатимиз раҳбарининг кўни кеча имзолаган Тошкент шаҳрини «Мустақиллик» ордени билан мукофотлаш тўғрисидаги Фармони, шу-бҳасис, барчамизга кўтаринки кайфият, қалбимизга гурур бахш этди, янги-янги марраларни забт этишга, бундан-да улугвор ишларга қодир эканимизга далада берди. Дарҳақиқат, юртимизда миллий давлатчиликни шакллантириш, мустақил ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, тинчлик ва барқарорликни мустақамлаш, давлатлараро ҳамкорлик, халқлар ўртасидаги дўстлик муносабатларини ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси, эзгу аъёнларни сақлаш, маданий, маънавий-маърифий ҳаётимизни юксалтириш, ёш авлоднинг Ватанга муҳаббат, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш борасидаги улкан хизматлари учун азим шаҳримиз бундай юксак мукофотга лойиқдир.

Кутлуг байрамларни муносиб кутиб олиш мақсадида яқинда барчамиз умумхалқ ҳашарида иштирок этиб, шаҳарларимиз, маҳаллаларимиз, кўчаларимиз янада обод бўлиб, чирой очилишига ҳисса қўшишга ҳаракат қилдик. Бунинг натижаси салмоқли ва биринчи навбатда шаҳримиз кўрида намойён бўлаётди. Азим Тошкент шу кунларда янада гўзаллашиб, том маънода гуллар шаҳрига айланиб бораётганининг

гувоҳимиз. Ва бу барчамизнинг меҳнатимиз самарасидир.

Яна бир бор мана шундай ҳамжиҳатлик ва дўстлик даврасида учрашиб, унумли меҳнатдан сўнг яхши ҳордик чиқариш ниятида шаҳримиз ахли кўни кеча Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғига йғилиб, биродару дўстлари, яқинлари билан қўшалок тўйлар олди «Дурлар ичра дурдонам, Ватан!» шiori остида маънавий-маданий тадбирда иштирок этишди. Шаҳар Маънавият ва маърифат кенгаши, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан Маданият ва спорт ишлари бош бoшқармаси билан ҳамкорликда ташкил этилган бу тадбирда шаҳримиз маҳаллалари фаоллари, ёшлар, турли миллий маданий марказлар вакиллари, кенг жамоатчилик қатнашди. Боғда ташкил этилган байрам сахналарида шоирлар бастакорлар, созандаю хонандалар Ватан ҳақида, Тошкентга бағишланган дил изҳорларини шеърлар, куй-қўшиқлар орқали ифода этишди. Шу ёрнинг ўзига 474 та маҳаллада ташкил этилган миллий хунармандчилик тўғаракларининг ижодий кўргазмаси кўпчиликка манзур бўлди. Кечгача бу сўлим масканда байрамга таратқулар, эришилган ютуқлар ҳақида дилдан сўхбатлар ўтказилди, фикрлар алмашилди. Тадбир катнашчилари «Оқшом» газетхонлари билан ҳам ҳамсуҳбат бўлиш истагини билдиришди.

(Давоми 2-бетда).

## ТОШКЕНТ — МАТБУОТ НИГОҲИДА

Ушбу мавзудаги давра суҳбати Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Кун тартибда яқинлашиб келаётган кўш байрамлар — давлатимиз Мустақиллигининг 18 йиллиги ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик тўйига таратқуларнинг оммавий ахборот воситалари томонидан ёритилиши хусусида сўз борди.

Тадбирда кўйи палата депутатлари, етакчи нашрлар, агентлик, телевидение ва радио журналистлари, шаҳар ҳокимлиги мутасаддилари, тарихчи олимлар ҳамда бир қатор жамоат ташкилотлари

вакиллари қатнашди. Дастлаб давлатимиз раҳбарининг Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига тайёр-гарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги Қарорига мувофиқ пойтахтда 14 та гуруҳ ташкил этилгани, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида юбилей таратқуларининг кенг ва атрофлиқа ёритилишини таъминлаш мақсадида алоҳида ижодий гуруҳ фаолият юритаётгани хусусида ахборот берилди.

Мазкур гуруҳ пойтахтимизнинг 2200 йиллик юбилей тадбирларини юқори савияда ташкил этиш, шаҳримизда олиб бoри-лаётган бунёдкорлик ишлари билан кенг жамоатчиликни таништириш борасида оммавий ахборот воситалари имкониятларидан самарали фойдаланиш мақсадида газета, телевидение, радио агентликларига кўмаклашиб келмокда.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Энг улуг, энг азиз» республика кўрик-танлови голибларига мукофотларни топшириш маросими бўлиб ўтди. Шу муносабат билан бу ерга тегишли вазирил ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари вакиллари, санъат, маданият соҳалари, оммавий ахборот воситалари ходимлари тақлиф этилди.

## ЯНГИ ПАРВОЗЛАРГА УНДАЁТГАН ТАНЛОВ

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Фулмонов, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори Б.Алимов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида Ватанимизни янада раванг топтириш, ҳаётимизнинг барча йўналишларида олиб бoри-лаётган ислохотларни чуқурлаштириш, жамиятимизни янгилаш, иқтисодий-маданий барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, халқимиз фаровонлигини оширишдек масъулиятли жараёнлар маънавий-маърифий соҳада олиб бoри-лаётган кенг қўламли ижодий ўзгаришлар билан чамбарчас боғлиқ эканини таъкидлади.

Юртдошларимиз қалбида миллий тафаккур ва соғлом дунёқараш асосларини мустақамлаш, ёшлар маънавиятини юксалтириш, асраб-авайлаш, ижодкорлар меҳнатини эъзозлаш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш йўналишида амалга ошири-лаётган кенг қўламли ишлар бунинг амалдаги ёрқин далилидир.

Мустақиллик йилларида эришилган ютуқларнинг мазмун-моҳияти, аҳамиятини кишилар қалби ва онига таъсирчан усуллар ёрдамида етказишда, ёшларни ватанпарварлик, фидойилик, истиқлол гоғларига садоқат руҳида тарбиялашда турли ижодий лойиҳалар, кўрик-танловларнинг ўрни ва аҳамияти катта. Ҳар йили Ватанимизнинг мустақиллик байрами арафасида ўтказиладиган «Энг улуг, энг азиз» республика кўрик-танлови ана шундай ижодий беллашувлар жумласидандир.

Танлов мустақиллик йилларида бой тарихимиз, бетакрор меросимиз, муқаддас дину диёнатимиз, меҳроқибат, баркиргенлик, ҳамжиҳатлик каби олижаноб фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга уйғун ҳолда яшаш, Ватан тақдири, келажакга дахлдорлик тўғриси ҳаётимиздан чуқур ўрин олаётганини кенг тарғиб ва ташвиқ этиш, бадий воситалар орқали юртдошларимиз онгу шуурига етказишда муҳим аҳамият касб этмокда.

Танлов учун тақдим этилган ишларда истиқлол эл-юртимиз учун ўз тақдирининг ҳақиқий эгаси бўлиб, ўз қадр-қимматини англаб, муносиб ҳаёт кечир-иш учун кенг имконият бергани, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш, ҳеч кимдан кам бўлмай-диган ҳаёт барпо этишнинг мустақам заммини бўлиб келаётгани ёрқин ва юксак оҳангларда акс эттирилгани эътиборга молиқдир. Айни пайтда ушбу ижодий беллашув адабиёт, журналистика, тасвирий, фото, кино санъатлари соҳасида янгидан-янги пухта, юксак савияли асарларнинг яратилишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмокда.

Жорий йилда мазкур ижодий беллашувда қарийб 900 нафар ижодкор етти мингдан зиёд асари билан ишти-рок этди. Бу эса танловнинг мавқеи ва аҳамияти халқимиз, айниқса, ижод ахли ўртасида тобора ортиб бoри-ётганидан далолатдир. Тадбирда танловнинг голиб ва совриндорларига диплом ва мукофотлар топширилди.

Тантананда сўзга чиққанлар ижодкорларнинг меҳнати қадрлаш, қўллаб-қувватлаш йўлида кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирдилар.

Назокат УСМОНОВА,  
ЎЗАМ хабри

## МАМЛАКАТИМИЗДА

• Тошкент вилояти Маънавият ва маърифат марказида вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан уюштирилган «Маънавият инсонлар муваффақиятининг гаровидир» деб номланган кўрик-танлов ўтказилди. Унда вилоятдаги қасаба уюшма етакчилари, кўмита раислари, тармоқ қасаба уюшмасининг туман, шаҳар кенгаши раислари, вакиллар маънавият-маърифат, етакчининг ўзига хос фазилатлари борасида ўзаро баҳс юритдилар.

• Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги арафасида Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманида «Секко Александре» Ўзбекистон — Италия — Россия қўшма корхонаси иш бошлади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган ушбу корхонада қунига 2,5 тоннадан ортиқ мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ва қадоқлаш имконияти мавжуд. Янги корхонада 80 нафарга яқин йи-гит-қиз иш билан таъминланди.

• Наманганда Асака автозаводида ишлаб чиқарилаётган автомобиллар учун чироклар ва фонарлар тайёрлашга ихтисослашган «УзЧасус» масъулияти чекланган жамияти ўз фаолиятини бошлади. Қисқа вақт ичида бу ерда халқаро андозаларнинг барча талабларига жавоб берувчи маҳсулотнинг дастлабки тажриба туркуми — «Нексия» ва «Матиз» автомобиллари учун чироклар ва фаралар ишлаб чиқарилди. Корхонага касб-хунар коллежлари битирувчилари бўлмиш 100 дан ортиқ маҳаллий ёшлар ишга қабул қилинди.

• Наманган шаҳридаги Бобур номи маданият ва истироҳат боғида «Биз соғлом турмуш тарзи учун, биз билан бирга бўл!» шiori остида ижтимоий тадбир ўтказилди. Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди ташаббуси билан «Соғлом ёшлар» лойиҳаси доирасида ташкил этилган мазкур акцияда 3500 дан ортиқ ёшлар иштирок этди.

• Янгийўл туманидаги Гулбахор шаҳарчасида жойлашган «Ахил» маҳалласидаги уч мингдан ортиқ аҳоли учун тоза ичимлик сувидан фойдаланиш имкониятлари яхшиланди. Бу ерда чуқурликда ишлайдиган электр насос ўрнатилди, магистрал сув тармоғи ва хўжаликлараро ичимлик суви линияси ўтказилди.

## ЖАҲОНДА

• Москва областида 34 мамлакатнинг 70 дан ортиқ етакчи самолётсозлик компаниялари қатнашган халқаро «Макс-2009» авиакосмик салони кеча якунланди. Таъкидлаш жоизки, бир ҳафта давомида бу ерда ҳамки 10 миллиард доллардан ортиқроқ миқдордаги битимлар имзоланди.

• Покистоннинг шимоли-ғарбий қисмида «Толибон» ҳаракатининг 12 нафар жангариси таслим бўлди.

• Гондураснинг муваққат ҳукумати Венесуэла ва Аргентина дипломатларига ўз элчионаларини тарқ этишни таъкилади.

• Россиядаги Саян-Шушен ГЭСининг йрик аварияга учраган машина залида тиклаш ишлари бошланди. Сўнги маълумотларга кўра авария натижасида бу ерда 69 киши ҳалок бўлган, 6 киши бедарак йўқолган.

• АҚШда «Минитмен-3» русумли қитъалараро баллистик ракетанинг парвози муваффақиятли кечди.

• Ироқда 14 август кўни амалга оширилиб, 100 кишининг ҳаётига зомин бўлган ва 1200 га яқин аҳоли турли даражадаги тан жароҳатларини олган йрик террорчилик ҳаракатининг ташкилотчилари қўлга олинди.

• Греция пойтахти Афина шаҳри атрофида кучли ўрмон ёнғинлари давом этмокда. Жазирама иссиқ ва кучли шамол ёнғиннинг тез ёйилишига замин яратмокда. Яқин атрофдаги аҳоли пунктларидан кишилар хавфсиз жойларга кўчирилмокда. Шу муносабат билан Афинада фавқулодда ҳолат эълон қилинди, Греция ҳукумати яқин атрофдаги кўшнларидан ёрдам сўради. Ҳозирда Испания, Португалия, Франция ва Италия ўт ўчирувчилари ўз техника воситалари билан ёрдамга келишган.

• Саудия Арабистонида bosқинчилик қилишда, курол-яроғ савдосида ва портлатиш мосламалари тайёрлашда гумон қилинган 44 нафар жангари ҳибсга олинди. Мамлакат Ички ишлар вазириги вакилининг маълумотига кўра, жангарилардан 17 та автомат, 50 та пулемёт ва 96 та детонатор тортиб олинган.

• General Motors автомобиль компаниясининг директорлар кенгаши Германиянинг Opel автокомпаниясининг янги соҳиби ҳақидаги масалани кўриб чиқади.

## ҚИСКА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БЕКТЕМИР** туманида юртимиз Истиқлолнинг 18 йиллиги ҳамда азим пойтахтимизнинг 2200 йиллиги тантаналари олдидан тумандаги кам таъминланган oilалар фарзандларининг суннат тўйлари ҳомийлар ёрдамида уюштирилди.

✓ **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида ёшларнинг бўш вақтларининг сермазмун ўтишини таъминлаш мақсадида тўғараклар, ўқув курслари, спорт секцияларига жалб этиш масалаларига бағишлаб услубий кенгаш уюштирилди.

✓ **ЧИЛОНЗОР** туманидаги «Бектўпи» маҳалласида туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар кўмитаси, Маънавият тарғибот маркази, «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими, туман маданият ва

спорт ишлари бўлими ҳамкорликларида уюштирилган «Ягонасан, муқаддас Ватан» мавзудаги тадбир юртимиз Истиқлолнинг 18 йиллиги ҳамда пойтахтимизнинг 2200 йиллигига бағишланди.



# ЮРТИМНИНГ ЮРАГИСАН, АЗИМ ПОЙТАХТИМ!

## ДУРЛАР ИЧРА ДУРДОНАМ, ВАТАН!



(Давоми. Боши 1-бетда).

Шу билан бирга, бугунги кунда бутун республикадаги каби Тошкент шаҳрида ҳам яратувчанлик ила олиб борилаётган савий-ҳаракатларнинг матбуот орқали атрофлича ёритилишини таъминлаш, шунингдек, оммавий ахборот воситаларида бериб борилаётган материалларни ўрганган ҳолда мувофиқлаштириб бориш, ушбу жараёнга бевосита мутасадди бўлган ижодкорларга аниқ манбалардан фойдаланишда ҳам янада кенг имконият яратишга ҳаракат қилинаётир. Айнан шу мақсадда ижодий гуруҳ таркибига Ўзбекистон Фанлар академиясининг мутасаддилари киритилди. Ўз навбатида, ҳар бир гуруҳ аъзосининг — газета, телевидение, радио вакили сифатида ўз йўналиши бўйича чоп этилаётган, эфирга узатилаётган материалларни мониторинг қилиб бориши, зарур бўлганда ўзаро ахборот алмасуви йўлга қўйилди. Тошкент шаҳри юбилейининг республикамизнинг барча минтақаларида нишонланиши инобатига олиниб, пойтахтимизда рўй бераётган ўзгаришлардан вилоят аҳолисини ҳам оммавий ахборот воситалари орқали хоҳабар қилиш мақсадида вилоят мухбирлари билан ҳамкорлик ўрнатилди.

Тошкент жаҳон ҳамжамиятида ўз нуфузига эга шаҳар. Ташки ишлар вазирлигидан олинган маълумотларга қараганда, шу кунгача хориждаги Ўзбекистон

### ТОШКЕНТ — МАТБУОТ НИГОҲИДА

элчионалари орқали шаҳримиз юбилейи муносабати билан Франция, Германия, Италия, Украина, Хитой, Миср Араб Республикаси, Малайзия, Япония, Саудия Арабистони, АҚШ давлатларининг кўплаб шаҳарларида, шунингдек БМТ, ЮНЕСКО ташкилотлари қароргоҳларида Тошкент шаҳрининг тарихи ва маданий меросига бағишланган тадбирлар ташкил этилди ва «Жаҳон» ахборот агентлиги томонидан кенг ёритилди.

Пойтахтимизнинг 2200 йиллиги юбилейини халқаро ҳамжамиятга етказиш юзасидан Ташки ишлар вазирлиги, шаҳар ҳокимлигининг протокол бўлими, «Жаҳон» ахборот агентлиги билан келишилган равишда хорижий журналистлар билан алоқа ўрнатишга ҳам киришилди. Жумладан, Германиянинг «Восток», Португалиянинг «Слово», Саудия Арабистонининг «Икраа» газет ва журналларида, шунингдек қароргоҳи Японияда жойлашган Тарихий шаҳарлар лигасининг «Хабарнома»сида Тошкент шаҳрига бағишланган алоҳида саҳифалар чоп этилди. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК ва «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК нашрларининг ҳам Тошкент шаҳрига бағишланган сонларини хорижий йўловчилар орасида оммалаштириш кўзда тутилган.

Ўтган деярли бир ярим йиллик вақт ичида биргина асосий газетали саҳифаларида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишлаб 500 га яқин мақолалар чоп этилган. Бундан ташқари, Тошкент шаҳрида 300 дан кўп газета ва журналлар нашр этилса, ҳар бирида мавзу ўз ифодасини топмоқда. Телевидение ва радио тўққинлари орқали мунтазам равишда бериб борилаётган «Азим Тошкентим», «Ватан меҳри», «Менинг шаҳрим», «Менинг маҳаллам» кўрсатувлари ва эшиттиришлари кўпчилик томонидан эътирофга сазовор бўлмоқда.

Шуни ҳам алоҳида айтиб ўтиш лозимки, Интернетда «Tashkent.ru» веб-сайти ҳам йўлга қўйилиб, бугунги кунда ушбу тармоқ орқали Тошкент ҳақида асосий маълумотларни олиш имконияти бор. Мазкур Интернет-саҳифа муаллифлари ахборотида кўра, Тошкент шаҳрига бағишланган энг яхши материаллар «Tashkent.ru» сайтыга киритиб берилмоқда.

Энг муҳими, бу борада «Оқшом» газеталари Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда танлов ҳам эълон қилган ва унинг натижалари байрам кунларида маълум бўлади. Шу кунгача эса танловнинг асосий мукофоти юзга яқин материаллар муаллифлари даввогарлик қилишмоқда. Улар орасида ёзувчилар, шоирлар, тарихчи-олимлар, адиблар ва журналистлар кўпчилики ташкил этади...

Давра суҳбати давомида Тошкент шаҳри юбилейига бағишланган материалларни беришни байрам тантаналаридан кейин ҳам давом эттириш, лозим бўлса, бу ҳақда алоҳида китоб ҳам яратиш ҳақида таклифлар билдирилди.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

ишга қабул қилинган. Тенгдошларим билан доимо мулоқотда бўлаётганимдан, уларга кўпгина масалаларда кўлимдан келганича ёрдам, кўмак бераётганимдан бениҳоя хурсандман. Ёшлар орасида ҳуқуқий саводхонлик анча юқорилаб бораётир. Лекин бу борада ҳали ишларни давом эттиришимиз лозим. Тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиришимиз керак.

**Озода ТЎХТАЕВА,**  
**Яккасарой энгил саноат касб-хунар коллежи устаси:**

— Ёшларга сабоқ бераётганимда, фарзандларимизга панду насихат қилаётганимда, авваламбор Мустақиллик ҳақида фикр юритиб, сиз ва биз мустақил юртимизга нима бердик, деган саволни ўртага ташлайман. Шу тарихи уларнинг фикрини билиб, ҳаётда ўз ўрнини

ториясида миллий қолғу йўналишида тўрт йил ўқидим. Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги ва барчамиз учун бирдек азиз бўлган Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик шодиёналари мен учун алоҳида аҳамиятга эга, чунки шу кунларда мен консерваториянинг магистратурасига қабул қилиндим. Демак, азим шаҳримизнинг билган ва билмаган қирраларини янада чуқурроқ ўрганишга, муқаддас қадриятларимизни мусиқа орқали давом эттиришга ҳаракат қиламан.

**Раъно ОЧИЛОВА,**  
**Файзулла Хўжаев номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси:**

— Аёл учун бундай вазифада ишлаш, яъни маҳаллага, кўни-кўшнилари елкадош, суянчиқ бўлиш — бундан-да шарафли иш бўлмас керак. Бу — Мустақиллик



топишида бир оз бўлсада, ҳисса қўшишга ҳаракат қиламан...Менинг уч фарзандим бор. Мустақиллик шарофати билан икки қизим ва ўғлим олий маълумотга эга бўлди ва бугунги кунда бири тиббиёт соҳасида, бири педагог, яна бири тадбиркорлик билан машғул бўлиб, ҳалол меҳнат қилиб келишмоқда. Илгарилари тадбиркорлик бобида имкониятлар қаерда эди, ҳаттоки бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмагандик. Бугунги замон ёшларига келсак, улар ҳаракатчан, интилуван, хусусий корхоналарини ҳам очишни хозирдан ўйлашади, маслаҳат сўрашади. Уларнинг фикрлаш қобилияти кенг, чунки, айнан эркинлик имкониятлари ўғил-қизларимизнинг эркин фикрлашга, ҳар томонлама ривожланиб боришига шароит яратиб берди. Демократия, ёшларимизга берилган бундай имконият Истиқлолнинг асосий нёъматидир.

**Зулфия МЎМИНОВА,**  
**Ўзбекистон Давлат консерваторияси магистранти:**

— Тошкентга келганимга 10 йил бўлди. Асли қорақалпоғистонликман. Бу ерда аввал иқтидорли болалар лицейида тахсил олдим, сўнг Ўзбекистон давлат консерва-

берган имкониятларнинг эркин исботидир. Маҳалла фуқаролар йиғини раислигига иккинчи марта сайланган бўлсамда, аслида илгари хотин-қизлар кенгагини ҳам бошқариб келганман. Аёл учун энг муқаддас даргоҳ — бу оила, унинг мустаҳкамлиги эса бу жамият мустаҳкамлиги, давлатимиз, Ватанимиз барқарорлигидир. Шундай экан, маҳалла фаоллари ўз савий-ҳаракатларида шу мақсадларни илгари сурмоқдалар. Давлатимиз томонидан маҳаллага катта эътибор берилаётгани келажакда кучли фуқаролик жамияти, яъни инсон манфаати барча нарсадан устун бўлиши, унинг эркинликлари, ҳуқуқларининг рўёби бўлмақдир. Зеро маҳаллани ҳар биримизни боғлаб турувчи улуг даргоҳ деса бўлади. Барчамизга кўш байрам муборак бўлсин. Юртимиз, давлатимиз учун, халқимиз фаровонлиги йўлида фидойи меҳнат қилиш ҳаммамизга насиб этсин.

**Ильмира ШАРАФУТДИНОВА**  
**СУРАТЛАРДА: Бобур боғида бўлиб ўтган «Дурлар ичра дурдонам, Ватан!» маънавий-маърифий тадбирдан лавҳалар.**

**Ҳакимжон Солихов олган суратлар**

(Давоми. Боши 1-бетда).  
**Сирождин САЙИД,**  
**Ўзбекистон халқ шоири:**

— Давлатимиз Мустақиллигининг 18 йиллиги ҳамда муаззам Тошкентнинг 2200 йиллик тўйининг кўшалок келишида ўзига хос маъно бор. Мухтарам Президентимиз томонидан азим пойтахтимизнинг «Мустақиллик» ордени билан тақдирлангани ҳақидаги хушхабарни ҳар биримиз фахр билан қарши олдик. Тошкент деганда ҳаммамизнинг қалбимиз гурурга тўлади. Юртбошимиз таъбирлари билан айтганда, улугвор Ватанимизнинг мухташам остонаси Тошкент айниқса Истиқлол йилларида миллий давлатчилигимизнинг ҳақиқий кўзгусига айланди ва бугунги кунда мустақил Ўзбекистоннинг чин пойтахти номини жаҳон узра намоён этмоқда. 18 йилда амалга оширилган ислохотлар, асрларга татигулик янгиланишлар, жумладан Тошкент шаҳрида ҳам, ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Бунинг учун заҳматқаш элимиз қанча-қанча синовларни имтиҳонлардан ўтди, иродасини букмасдан, мана шундай кунларни ёрғуз юз билан кутиб олаётгани, албатта, шарафлидир. Биз узок сафарларда бўлганда, биринчи навбатда Тошкентни, жаҳон мамлакатлари тан олган бетакрор пойтахтимизни соғинамиз. Қанчадан-қанча уммон дарёларни кечмайлик, Анҳор соҳилидан яқинроқ, дилкашроқ ўзга соҳилни топа олмадик... Қўшалок байрамлар арафасида барчага орзу-умидлари амалга ошишини тилаб, яна бир бор муаззам Тошкентимга орден муборак бўлсин деб қолам.

**Хумора КУЛАХМЕДОВА,**  
**«Камолот» ЁИҲ Учтепа тумани бўлими ходими:**

— Бу шукҳули кунларнинг гувоҳи бўлаётганимдан хурсандман, лекин таассуротларимни сўз билан ифода этишга ожизман. Мен Тошкентда туғилиб воёга етдим. Шаҳримиз янада гўзаллашиб бормоқда, мислсиз ўзгаришлар йил сайин эмас, кўз ўнгимизда кун сайин юз бермоқда. Тошкент... Бу ёшлар шаҳри. Биз, ёшлар учун кўплаб имкониятлар яратилган. Коллеж, лицейлар дейсизми, халқаро андозаларга мос олий ўқув юрталари, спорт мажмуалари бунёд этилаётгани — ҳаммаси бизнинг истиқболимиз, нури эртанги кунимиз учун қилинаётир. Тенгдошларим номидан бунинг учун авваламбор Юртбошимизга миннатдорчилик билдиришмоқчиман. Ўсиб келаётган авлодга кўрсатаётган гамхўрликларига биз, албатта, аъло ўқишимиз, муносиб ишларимиз билан жавоб қайтармоғимиз керак. Мен Тошкент юридик коллежини бу йили битирдим ва орттирган чуқур билимларим инобатга олиниб, «Камолот» туман бўлимига ҳуқуқшунос сифатида

**Тун ярмидан ошган. Деразам олдиға чўққалаганча олис-олисларга нигоҳ ташлайман...**

Хаёл ширин, хаёл беғубор. Яна туйғулар чекис, ҳислари тенгсиз хаёлининг. Асов отга ўхшайди у — қандайдир ўйноқи. Уни жоловлан маҳол, унга эгаллик қилиш душвор. Ҳаммамиз ҳам хаёл сурамыз, орзу қиламыз. Бундай пайтда ўйлар чегара билмайди. Менда эса савол бепойён. Қайта туғилиш борми ўзи? Агар бўлса, қай диёрга ўғил бўлардим?... Шуларни ўй қилману, жавоб излаб ўз дунёни қаърига сингиб кетаман.

Шундайин бир туйғу бор. Уни ичимизда парваришлаймиз. Сездирмай деймиз, у қурмағур ўзни намоён қилаверади. Дарахтга ўхшайди у — гурур дарахтига. У билан мангуға ашаймиш. Унга масофаларнинг аҳамияти йўқ. У меҳр булоғидан сув ичади. Ундан йироқлашсанг, соғинч бўлиб қучиб олади сени. Маҳкам қучади. Яна унга ягоналик хос, худди она сингари... Унга танҳолик ярашади, худди Яратган каби...

Тошкент — мени шундай хаёллар уммонига фарқ қилган маскан. Бу диёрнинг буюқ қадрияти, улугъ анъанаси бор: меҳмон остонадан қайтмайди. Ҳеч кимнинг «қовуши кўчада қолиб кетмайди».

Ҳаммамиз ҳам меҳмон кутганмиз. Яқинимиз ёки бирор киши эшик тақиллатдим, уни дастурхон атрофида кўрмоқ истаймиз. «Хуш келибсиз, ич-

карига марҳамат!» сўзларига сохталик оралатиб бўларканми? Йўқ, Унга фақат самимият хос. Меҳмон чет мамлакатдан бўлса борми... Ана энди мезбон қадамни кўринг! Ахир бу қадамлар охирида ҳурмат-эҳтиром баробарида юрт шаъни, кадр-қиммати турибди.

Яқинда «Буюқ Ипак йўли» томонга йўлим тушди. Баланд иморатлар оралаб, азим дарахтлар соя-салқинида

«Тошкент — нон шаҳри» жумласининг маъноси, унинг мазмун-моҳиятига узок назар ташладим... Дастурхон бошига ош олиб келганимда, кўксим гурурга тўлди. Бу гурур Тошкент тупроғидан униб чиққан ниҳолча эди бир пайтлар. Энди буй кўрсатиб, дарахтга айланди. Эрта унинг илдиши мустаҳкам пойдевор бўлиши тайин...

Шундай хаёллар билан «Ёшлик» маънавият ва маърифат марказига

### ОНА КАБИ МЕҲРИБОН

манзил томон борарканман, битта аёлнинг кўнғироқдек овози қулоғимни динг қилди: «Раҳмат... Раҳмат каттакон». Яна кўшиб қўйди: «Thank you very much».

Ўзбекчани бирам ёқимли талаффуз қилаётган аёлнинг чет элдан ташриф буюрганлигини илғаб олиш қийин эмасди. Қалбим алақандай энтиқиб кетди, вужудим бир титраб олди. Ўйлаб қолдим: менда кечаётган хис, мендаги ушбу энтиқиб, титроқ мезбон кўзларида акс этарди. Унинг туйғуларига кўзлар воситасида ўртоқ тутидим. У деди: «Дастурхон ёганимда, Тошкентда туғилганлигимдан фахрланиб кетдим. Нон ушатганимда эса,

кўзим тушди. Эрталабданок гўё қадамим ер билмаётган одамлар қатнови бирор тадбирдан сўзларди. Қарасамки — «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танловиға ҳаракатлар бошлаб юборилган. Ушбу танловнинг туман микёсида бўлиб ўтган саралаш босқичи йиғилганларни хушнуд айлади. Ҳозир ҳам қулоқларим остида бир садо янграмоқда. Товушлар жананги «Тошкент, кутлугъ 2200 ёшинг муборак!» деяётгандай гўё. Кичик юлдуз Шохиста Наврўзованинг дилтортар тароналари майин шаббода бўлиб дил қилми очди...

Яна деразам олдидаман. Яна ўша ўйноқи хаёллар, қийновчи саволлар.

Маънавият

### АУДИО- КУТУБХОНАЛАР

Республика Болалар кутубхонасида аудио-кутубхонаси ташкил этилди. **Мактаб кутубхоналарини аудио китоблар билан таъминлаш мақсадида овозли ёзувлар кассеталари тайёрлашга киришилди.**

Бундай изланиш натижасида аудио китоблардан 30 таси юзга келди. Улар орқали Саид Аҳмад, Мирмуҳсин, Пиримқул Қодиров каби кўзга кўринган адибларнинг энг яхши асарларини мутолаа қилиш мумкин.

### ЗАМОН ТАЛАБИГА МОС

Янги ўқув йилида республикамизнинг мактаблари қатор дарслик ва ўқув қўлланмаларига эга бўлмоқдалар. **«Рус тилини ўқитиш услубияти» деб номланган ўқув адабиётидан ҳам энг яхши адабиёт сифатида фойдаланилади.**

Талимнинг замонавий андозаси асосида яратилган нашр ўз мазмун-мундарижаси билан ҳам ажралиб туради.

Яна янги бир неча ўқув адабиёти чоп этилди.

### ИНСТИТУТ НАШРЛАРИ

Тошкент шаҳар Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг тилларни ўқитиш методикаси кафедраси янги ўқув йили олдида қатор қўлланмаларни босмага тайёрлади.

Улар орасида инглиз, немис тиллари бўйича ушатирилган машғулотларга бағишланган адабиётлар ҳам бор.

Институт томонидан тақдим этилаётган методик тавсияларни республика бўйича оммалаштириш тадбирлари ҳам кўрилди.

### АГЕНТЛИКНИНГ ЯНГИ ТЎПЛАМИ

Ахборот-кутубхона фаолиятига оид стандартлар тўплами китоби босмадан чиқди. **Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан босмага тайёрланган ахборот, кутубхоначилик, библиографик фаолият ва ноширлик иши бўйича ушбу тўпلام мутахассислар учун фойдали қўлланма бўлиб хизмат қилади.**

Ундаги стандартлар тизимига доир катта бўлим ҳам материалларга бой бўлиб, соҳада юз бераётган ахборот-кутубхоначилик янгилликларини баён этади. Ушбу тўпلام тақдимотида унинг афзалликлари ҳақида ҳам яхши фикрлар билдирилди.

### «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» ЙЎЛИ БИЛАН

Республикамизда ва хорижда матбуот нашрларига обунга қилиш, газета ва журналларни ўз муддатида етказиб беришда **«Ўзбекистон почтаси» тадбиркорлик билан иш юритмоқда.**

Унинг «Матбуот тарқатувчи» шўъба корхонаси бўлимлари томонидан амалга оширилаётган фаолиятдан муштарийлар мамнун.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан ишлаб чиқилган махсус дастур ҳам эътиборни ўзига тортади.

Жойларда янги матбуот дўконлари очилиб, наشرлар савдоси йўлга қўйилди. Айни вақтда шартнома асосида иш юритувчи савдо дўконлари сони анчага ортди.

### ИНСТИТУТ ТАРИХИ МУЗЕЙИ

Тошкент Темир йўл транспорти муҳандислари институти ўзининг бой тарихига эга. **Олий ўқув юртининг босиб ўтган йўли ҳақида ҳикоя қилувчи экспонатлар институти тарихи музейидан ўрин олган.**

Олий ўқув юртининг ярим асрлик фаолияти муносабати билан ташкил қилинган мазкур музей Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган янги экспозицияга эга бўлди. Шу билан бирга музей ходимлари шу санага бағишлаб «Тошкентим — фаҳрим» деган стендни ҳам тайёрлади.

Акбар АЛИЕВ



**«Ўзэкспомарказ» худуди яқинидаги Бўзсув атрофларини тонг сахарларда кезиб кўрганмисиз? Пойтахтнинг энг гўзал ва баҳаво гўшаларидан бири бўлган бу ер ўзгача тароват, ўзгача файз касб этган бўлади шу кезлари. Унинг ўртасидан кесиб ўтувчи Бўзсув табиий чирой бахш этиш билан бирга, бутун атроф - худудни шифобахш масканга айлантиргандай.**

**Ибратли анъаналар**

**УМРЛАРНИ УЗАЙТИРИБ...**

— Эрта тонгда шу ерда сайр қилишнинг ўзгача гашти бор, — дея ҳикоя қилади нуроний, меҳнат фахрийларидан бири, яқин атрофдаги маҳалла фуқароси Баҳодир ака Пирмухамедов, — Эрталаблари бу ернинг ҳавоси шу қадар мусоффо, айниқса Бўзсув атрофидаги ионларга бой ҳаво шунчалик роҳатбахши, худди бутун жисму танангиз билан нафас олаётгандай, ўзингизни енгил ва бардам сезасиз.

Ҳа, Баҳодир ака ва у кишининг атрофида жиқлашган яқин-атрофдаги кўча ва маҳаллалардан келувчи кўлни кўрган, кексаллик гаштини суриб келаётган меҳнат фахрийлари ҳамда уларга эргашган «ҳаваскор қарияликка» номзод «йигитлар» бу ерда ўзларини янада ёшаргандай, билакларига куч, белларига қувват қўшилгандай ҳис этишади.

— Баҳодир ақанинг тақдирлари билан ҳар куни эрталаб соат 5-6 лардан 7-7 яримларгача шу ерда айланамиз, югурамиз, энг баҳаво жойда тўхтаб, 20 дақиқалар чамаси енгил гимнастика қилишни одат қилганмиз, — дейди Ҳасан Исамуҳамедов, — Шу ишни бошлаганимиздан бери касаллик биздан қочадиган бўлиб қолган, кайфиятимиз ҳам яхши.

Ҳақиқатан ҳам ҳар куни тонг сахарлаб бу ерда сайр қилиб, бироз югуриб, дам олиб, гимнастика машқларини адо этаётган отахонлардан Абдуваҳоб Набиев, Рустам Солиҳов ва бошқаларни кўришга Марказ хизматчилари кўниқиб кетишган. Улар кечикишса ҳатто хавотир оладиган ҳам бўлиб қолишган. Отахонлар ўз ҳаракатлари билан атроф маҳаллаларда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилаётганлари айниқса диққатга сазовор.

Қарияларимизни ҳавас билан кузатарканмиз, улар бошлаб берган ибратли анъана пойтахтимизнинг чиройга бой ҳар бир маҳалла, ҳар бир гўшасида қанчалик кенг ёйилса, соғлом ва ҳуш-чақчақ отахонларимиз шунчалик кўпайиши хаёлимиздан ўтди...

Саид ВАЛИ



**Бугун гўзал ва навқирон Тошкент ўзининг 2200 йиллик қутлуг ёшини қарши олмақда. Пойтахтимизнинг бугунги жамоли, кўрк таровати қалбларда чексиз қувонч, фахру ифтихор ҳисларини уйғотади. Ана шу улғувор туйғулар бундан кейин ҳам ижод аҳли учун илҳом манбаи бўлиб хизмат қилади.**

**Анжуманлар**

**ГЎЗАЛ ШАҲРИМ — ТОШКЕНТИМ!**

мафтуни этиб келганлигини таъкидлашди.

Тарихдан маълумки, ўтмишда кўплаб тарихчилар, фозилу шoirлар бу шаҳар тарихи, унинг сўлим манзаралари, меҳмондўст ва бағрикенг инсонлари ҳақида қимматли маълумотлар битиб қолдирганлар.

— «Тошкент» номи дастлаб, буюк алло-

ма Абу Райхон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарларида тилга олинган. Тошкентнинг жой номилари эса, аввало, унинг табиий ва географик ўрнига қараб турли номлар билан аталганлигидан далолат беради. Яъни шаҳарнинг тур-

кча, сўғдча ҳамда форсча номлар билан аталиши ҳам бежиз эмас, дея қайд этди тарих фанлари номзоди Хайрия Бўриева ўзининг «Тошкент шаҳрининг жой номилари ҳақида»ги маърузасида.

Шунингдек, тadbирда шoirлар Турсун Али ҳамда Рустам Мусурмон шаҳримизни мадҳ этувчи шеърларидан ўқидилар.

**Баҳодир ХОЛМАТОВ СУРАТДА:** тadbирдан лавҳа **Алексей Попов** олган сурат



**МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ**

**ҲИКМАТЛАР**

**МУҲАЙИЙР**

Қилмагунча қадди ҳам дунё арусини талок, Айлама ҳаргиз жаҳонда орзуи мардлик.

\*\*\*

Эй Муҳаййир, дарди йўқларга даво ҳам йўқдурур, Бул ажаб турфа давосиз дард эрур бедардлик.

\*\*\*

Ёлгон дегонни чун субҳи козиб, Бўлсун насиби юзи қаролик.

\*\*\*

Асраб ўзингни сўзла, Муҳаййир, То бўлмагойсен саҳву хатолик.

\*\*\*

Хуш ул кишики, гайр сори айламай назар, Айлар жаҳонда бору йўқини фидойи ишқ.

\*\*\*

Мавж бирла бўлмагай дарё сувин рафтори кам.

\*\*\*

Эй кўнгил бўлма ҳавас бирла ҳавога ҳамсафар, Ҳамсафар бўлма демайким, балки кўйма бир қадам.

\*\*\*

Шамшод бирла сарвини ҳар неча қилсанг парварииш, Вақти хазон бўлғой алар зоғу зағанга ошиён.

\*\*\*

Жаҳон золиғаким, бордур жафоу жавр қилмоқ фан, Улусқа кўрсотиб ҳар лаҳза юз найрагн ила шеван.

\*\*\*

Жонда ҳазорон алам, дилда туман дарду гам, Ваҳ, неча меҳнат чекай ўтқучи дунё учун.

\*\*\*

Даҳр боғи гулларидин истама бўйи вафо, Андалибо, истиқомат жойи эрмас бу чаман.

Хуштуруп гарчи чаман айёмида, кўйма кўнгил — Ким, хазон фаслида қилғой ошиён зоғу заған. Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

**Ҳурматли тadbиркорлар!**

Тошкент шаҳар худудида фаолият юритаётган тadbиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ноқонуний теқширишларнинг олдини олиш мақсадида «Ишонч телефон»лари ташкил қилинган:

269-14-45, 262-92-42

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси

Тошкент қурилиш техникуми томонидан Баба-назаров Барлыбай Турганбаевич номига берилган № 109952 NT-I рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**



Қани, бир куч синашайлик-чи!

**БУТУНЖАҲОН ЁШЛАР КУНИГА БАҒИШЛАНДИ**

**Мустақиллик майдонида қад ростлаб турган муҳташам бино — Ёшлар ижодиёт саройида Бутунжаҳон ёшлар кунига бағишланган фотокурғазма фаолиятини бошлади. Ушбу лойиҳа «Келажақ овози» ЁТМ, БМТнинг аҳолишунослик жамғармаси ҳамда БМТнинг ривожлантириш дастури ҳамкорлигида ташкил этилди.**

ҳорги марафон» акцияларидан олинган лавҳалар, «Дунё либослари» ва «Дунё рақслари»га бағишланган ижодий суратлар жой олган. Бундан ташқари «Келажақ овози» ёзғи ўқув оромгоҳларида олинган фотосуратлар ҳам омма эътиборига ҳавола этилди. Энг қизиқарли ва

ўзига хос расмлардан кейинчалик Ёшлар кунига бағишланган махсус каталог нашр этилиши режалаштирилмоқда. Ёшлар курғазмаси 1 сентябрга қадар давом этади.

**Зебунисо НАЗИРОВА, ЎЗМУ талабаси**

**Спорт янгиликлари**

**МУРОД — БОШ СОВРИН СОҲИБИ!**

Эрон пойтахти Техрон шаҳрида теннис бўйича эркаклар ўртасида ўтказилган «Фьючерс» туркумидаги халқаро теннис турнирининг жуфтликлар баҳси ўзбекистонлик Мурод Иноятов ҳамда россиялик Степан Хотулев ғалабаси билан якунланди.

Мазкур жуфтлик финалга чиқиш учун саралаш учрашувларида Италия вакиллари — Марко Саттанино ҳамда Маттео Волантени 6:4, 6:3, Ҳиндистондан келган ракетка усталиридан Вижайян Малик ва Янник Неролдни 6:3, 6:3, тунислик теннисчилар Хотам Обид ва Иссам Жалоллийни 3:6, 6:3, 13:11 ҳисобида мағлубиятга учратди.

М.Иноятов ва С.Хотулев ҳал қилувчи баҳсда биринчи рақамда сараланган жуфтлик — грециялик Парис Гемочидис ва руминиялик Богдан-Виктор Леонтени 6:3, 6:1 ҳисобида доғда қолдириб, бош соврин соҳиби бўлди. АҚШнинг Цинцинати шаҳрида ўтказилаётган Хотинқизлар теннис уюшмаси (WTA) мусобақалари тақвимидаги нуфузли турнирнинг жуфтлик беллашувларида руминиялик Моника Никулеску билан ҳамкорликда ўйнаётган мамлакатимизнинг биринчи рақамли ракеткачиси Оқул Омонмуродова ҳам ғалабали одимларини давом эттирмоқда.

Дастлабки баҳсда мезон теннисчилар Лаура Грэнвилл ва Кэрли Галликсонни 6:2, 6:3 ҳисобида мағлуб этган мазкур жуфтлик чорак финалда Украинадан келган оилавий дуэт — Алона ҳамда Катерина Бондаренковдан 6:4, 4:6, 10:6 ҳисобида устун келди.

**БИАТЛОНЧИЛАРИМИЗ — ЕВРОПА ЧЕМПИОНИ!**

Чехияда ёзги биатлон бўйича ўтказилаётган Европа очик чемпионатида иштирок этаётган Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларидан — Руслан Носиров ва Анузар Юнусов иккитадан олтин медалга сазовор бўлди.

Катталар ўртасида жаҳон чемпионати совриндори Руслан Носиров Европа очик чемпионатининг дастлабки кунини олтин медални қўлга киритган Анузар Юнусов ҳам Европа очик чемпионатида ўзини кўрсатмоқда. У мазкур мусобақа дастуридан жой олган иккита беллашувда барча тенгқурларини ортада қолдирди ва терма жамоамиз ҳисобига бир жуфт олтин медал келтирди.

Ўтган йили Францияда ёзги биатлон бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида ўсмирлар ўртасида иккита олтин медални қўлга киритган Анузар Юнусов ҳам Европа очик чемпионатида ўзини кўрсатмоқда. У мазкур мусобақа дастуридан жой олган иккита беллашувда барча тенгқурларини ортада қолдирди ва терма жамоамиз ҳисобига бир жуфт олтин медал келтирди.

Боҳир БЕК.

**ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

куйидаги бўш ўринларга

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

**Кафедра мудирлари:**

- «Информатика ва компьютер графикаси»
- «Геодезия ва кадастр»
- «Йиғма темир бетон ишлаб чиқариш»
- «Архитектура тарихи ва назарияси»
- «Био ва иншоотлар»
- «Архитектуравий лойиҳалаш»
- «Шаҳарсозлик ва ландшафт архитектураси»

**Профессорлар:**

- Иқтисодиёт (1)
- Менежмент (1)
- Йиғма темир бетон ишлаб чиқариш (1)
- Доцентлар:
- Архитектура тарихи ва назарияси (1)
- Информатика ва компьютер графикаси (1)
- Геодезия ва кадастр (1)
- Био ва иншоотлар (1)

Мурожаат учун телефон: 244-18-78, факс 241-80-00.

**Катта ўқитувчилар:**

- Архитектура тарихи ва назарияси (1)
- Архитектура муҳитлари дизайни (1)
- Ўзбек ва хорижий тиллар (1)
- Иқтисодиёт (1)
- Менежмент (1)
- Фалсафа ва ижтимоий-сиёсий фанлар (1),
- Ўқитувчилар:
- Ўзбек ва хорижий тиллар (1)

**Ассистентлар:**

- Архитектура муҳитлари дизайни (1),
- Фалсафа ва ижтимоий -сиёсий фанлар (1),
- Кафедра мудирлари лавозими танловида фан докторлари, профессорлар ёки фан номзодлари, доцентлар иштирок этишлари мумкин.
- Танлов мuddати — эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун.
- Танловда иштирок этишни хоҳловчилар Тошкент ш, Навоий кўчаси, 13, ходимлар иш юртиши бўлимига ёки илмий котибга учрашишлари мумкин.



Бош муҳаррир **Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар **Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.**

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2862 нухсада босилди. Қўғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбос акциядорлик компанияси босмоҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5